

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ ОЛИМЖОН ЯХШИБОВЕВИЧ**

**ПОЛИЗ ҚЎНҒИЗИ (*EPILACHNA CHRYSOMELINA FABR.*) НИНГ  
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УНГА ҚАРШИ  
КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Алланазаров Олимжон Яхшибоевич**

Полиз қўнғизи (*Epilachna Chrysomelina* Fabr.)нинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва унга қарши кураш чораларини такомиллаштириш..... 3

**Алланазаров Олимжон Яхшибоевич**

Изучение биоэкологических свойств бахчевой коровки (*Epilachna Chrysomelina* Fabr.) и усовершенствование мер борьбы с ней..... 21

**Allanazarov Olimjon Yakhshiboyevich**

Study of bioecological properties of twelve-spotted melon beetle (*Epilachna chrysomelina* Fabr.) and improvement of control measures..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publication works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ ОЛИМЖОН ЯХШИБОВЕВИЧ**

**ПОЛИЗ ҚЎНҒИЗИ (*EPILACHNA CHRYSOMELINAFABR.*)НИНГ  
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УНГА ҚАРШИ  
КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.4.PhD/Qx1029 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа докторлик диссертацияси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмийраҳбар:**

**Хайтмуратов Арслонбек Файзуллаевич**  
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.

**Расмийоппонентлар:**

**Хўжаев Шомил Турсунович**  
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Юсупов Рысназар Оразбаевич**  
Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент.

**Етакчи ташкилот:**

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик  
илмий-тадқиқот институти.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

Фалсафа доктори (PhD) Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел (99878) 150-62-84; факс 99878) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,  
профессор

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий  
семинарраиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси ўсиб бориш жараёнида озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж, хусусан сабзаёт-полид маҳсулотларига бўлган талаб йилдан йилга тобора ортиб бормоқда. Жаҳон миқёсида етиштирилган полид маҳсулотларининг умумий ҳажмининг 85 фоизи 14 мамлакат, яъни Хитой, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Қозоғистон, АҚШ, Миср, Испания, Гватемала, Италия, Мексика, Бразилия ва Марокаш ҳиссасига тўғри келади. ФАО маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг тахминан 9,5 миллиард атрофида бўлиши бу пайтга бориб “хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги”<sup>1</sup> юзага келишини таъкидлашган. Бундай хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича полидчилик йўналиши иқтисодиётнинг ўсишида алоҳида ўрин тутиши аниқланган. Шу сабабли атроф–муҳитга салбий таъсир қилмайдиган муқобил технологияларни излаб топиш зарурати бугунги кунда долзарб муаммога айланмоқда.

Дунёда полид экинларига зарар берадиган бир неча турдаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар учрайди, булар орасида кемирувчилардан поя, барг ва меваси билан озиқланадиган полид кўнғизи (*Epilachna chrysomelina* Fabr.) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу зараркунанданинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарари ўрганилмоқда ҳамда қарши кураш бўйича экологик хавфсиз микробиологик препаратлар ҳамда энтомопатоген нематодалар билан зараркунанданинг миқдорини бошқариш бўйича дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтларида кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ҳамда полид маҳсулотлари экспортини янада ривожлантиришда полид экинларини турли зарарли организмлардан ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутди. Етиштирилаётган полид экинлари ҳосилининг миқдорига ва сифатига катта зарар етказадиган полид кўнғизи, қовун пашшаси, ўсимлик ширалари, ўргимчаккана каби зараркунандаларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”<sup>2</sup>да назарда тутилганидек, ҳар хил кимёвий пестицид қолдиқларидан ҳоли ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уларни жаҳон стандартлари талаб даражасида экспорт қилишни ошириш мақсадида биопрепаратлардан самарали фойдаланиш ҳақида таъкидланган. Полид кўнғизи туфайли қовун ва тарвуз экинларининг ҳосили 42,5-53,8 фоиз, баъзи далаларда 70 фоиздан ортиғи бой берилмоқда. Шу сабабли полид майдонларида етиштирилган ҳосилни зараркунандадан сақлаб қолиш ва

<sup>1</sup>Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) нинг “2020-global-report-food-crises” маълумотлари.

<sup>2</sup><https://lex.uz/docs/4567334>

уларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Полиз экинининг асосий зараркундаларидан бири полиз қўнғизининг биологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси ва қарши кураш бўйича дунёда А.Sh.Abdel-Moniem, F.N. Zaki, Al.Iraqi, M.A.Ali, El-Khidir, H.Giray, H.Katakura, M.Klemm, V.Melamed, O‘.Sag‘lam, N.Uygun, F.R.Hassan, L.H.Assaf, E.Bayhan, S.S.Awadalla, G.S.Mohamed, МДХ давлатларида Г.И.Савойская, М.А.Атаева, В.Н.Виноградова, Н.А.Глушенковлар тадқиқотлар олиб борган.

Ўзбекистон шароитида Х.Игамбердиев, Т.Тилавов, А.Г.Давлетшина, А.Ш.Хамраев, Ш.Т.Хўжаев каби олимлар полиз қўнғизи популятсиясининг шаклланиши, биологик хусусиятлари, зарари ва қарши курашда кимёвий препаратларнинг самарадорлигини ўрганган.

Аммо, ўтган асрнинг 70 йилларидан, сўнги 50 йил мобайнида полиз майдонларида полиз қўнғизининг тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, табиий энтомофаглари, паразитлари ва экологик хавфсиз кураш чоралари полиз экинларига зарар келтириш даражаси, иқтисодий зарарлилик мезони ва уларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали “Энтомология ва биоусул” лабораториясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида “Полиз экинларини зарарли организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилиш” мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган (2021-2023).

**Тадқиқотнинг мақсади** Республикаимизнинг жанубий ҳудуди Сурхондарё вилояти шароитида полиз қўнғизининг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, зарарлилик даражасини аниқлаш ва уларга қарши уйғунлашган кураш чораларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

полиз қўнғизи (*Epilachna chrysomelina* Fabr.) нинг систематик ўрни ва морфологик хусусиятларини ўрганиш;

полиз кўнғизининг кўпайиши, ривожланиши ва тарқалишини ўрганиш;  
ковун ва тарвуз экинларининг турли ўсув даврларида полиз кўнғизи келтирадиган зарарини аниқлаш;

полиз агробиоценозида тарқалган табиий кушандаларнинг тур таркибини аниқлаш;

полиз экинларида зараркунандаларига қарши агротехник, ташкилий-хўжалик ва механик тадбирларнинг зараркунандалар миқдорини бошқаришдаги аҳамиятини аниқлаш;

полиз агробиоценозида полиз кўнғизининг миқдорини бошқаришда энтомопатоген нематодалар, биопрепаратлар ва самарали инсектицидларни қўллашнинг муддат ва меъёрларини ҳамда биологик самарадорлигини аниқлаш;

полиз кўнғизига қарши кураш чораларининг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида полиз экинларининг ашаддий зараркунандаси полиз кўнғизи (*Epilachna chrysomelina* Fabr.) ва унинг табиий кушандалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида полиз экинлари ҳамда полиз кўнғизига қарши курашда қўлланиладиган усул ва воситалар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалиги энтомологиясида кенг фойдаланиладиган усуллар ёрдамида бажарилди. Ишда фенологик ва фаунистик тадқиқотларни бажаришда В.Ф. Палий, Е.А. Дунаев услубларидан фойдаланилди ҳамда полиз кўнғизининг барча фазаларида морфологик белгиларини, ривожланиш босқичларини ва тарқалишини ўрганиш учун полиз агробиоценозларидан ҳашарот намуналари йиғиб келинди. Олинган намуналарнинг 70%-ли спирт ва 4% глицерин аралашмасидан тайёрланган фиксаторларда сақлаб турилди.

Зараркунанда ва унинг табиий энтомофағлари В.Н. Шеголев, Г.Я. Бей-Биенко, Н.В. Бондаренко, Г.И. Савойская, И.Г. Кирияк ва Л.М. Копанева томонидан тузилган аниқлагичлар ёрдамида аниқланди.

Даладан йиғиб келинган энтомопатоген нематодаларнинг лаборатория шароитида етук давригача ривожланиши Кая ва Сток таклиф қилган услублар асосида бажарилди. Нематодаларнинг табиий энтомопатоген турлари Адамс ва Нгуен аниқлагичлари ёрдамида аниқланди. Агротоксикологик тадқиқотларни ўтказишда Ш.Т. Хўжаев томонидан тавсия этилган услубий қўлланмалардан фойдаланилди. Тажрибалардан олинган натижалар Б.А.Доспехов нинг услубий қўлланмаси ёрдамида математик таҳлил қилинди. Микробиологик ва кимёвий препаратларнинг самарадорлиги W.Abbott формуласи ёрдамида аниқланди, иқтисодий самарадорлик эса Н.Р. Гончаров ва бошқаларнинг услуби асосида ҳисобланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилояти агробиоценозида янги хўжалик юритиш шароитида полиз кўнғизининг биоэкологияси, ривожланиши, тарқалиши ва зарари ўрганилган;

турли ўсув даврларида полиз қўнғизи қовунда 42,5-53,8%, тарвузда 18,7-28,5% зарар келтириши аниқланган;

илк бор Сурхондарё вилояти полиз агробиоценозида энтомофагларнинг 5 та туркум, 9 та оилага мансуб 27 турдаги табиий кушандалари аниқланди;

полиз агробиоценозида полиз қўнғизига қарши энтомопатоген нематодалар қўлланилганда 56,8% , Helitec, SC, Wipeout -15j, Crop-Guarg, 36% эм.к., Биослип БВ, Биослип БТ, Престиж биопрепаратларини ишлатиш натижасида 76,1 % гача биологик самарадорлиги аниқланган;

полиз агробиоценозида полиз қўнғизининг миқдорини бошқаришда янги, истиқболли инсектицидлардан Далате плюс 10%, эм.к., Энтолучо 20%, эм.к., Моспилан 20%, н.кук., Децис 2,5%, эм.к. препаратларининг 92,0-97,5% гача биологик самарадорлиги аниқланиб, қўллаш муддат ва меъёрлари белгиланган;

полиз агробиоценозида полиз қўнғизига қарши кураш чораларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилиб, сарфланган ҳар бир сўмнинг 7,8-21,6 мартагача оқланиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Полиз қўнғизига қарши энтомопатоген нематодаларни полиз қўнғизи личинкаларига қарши қўллаш учун мақбул меъёри 100 млн.дона/га. эканлиги аниқланган бўлиб, бу ишлаб чиқаришда бугунги кун талабига кўра органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишига имкон яратади.

Полиз қўнғизининг миқдорини бошқаришда Helitec, SC, 0,33 л/га, Wipeout -15ж, 2,5 л/га, Crop-Guarg, 36% эм.к., 2,5 л/га, Престиж, 3,0 л/га, Биослип БВ 3,0 л/га ва Биослип БТ 1,5 кг/га биологик препаратлари қўлланилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилишига эришилган. Бу препаратлардан фойдаланиш зараркунандани иқтисодий зарарли миқдор мезонидан ошиб кетмаслигини ва табиатдаги фойдали энтомофаунага салбий таъсир этмасдан амалга оширишни таъминлайди.

Полиз қўнғизига қарши зараркунанданинг миқдори ИЗММ дан ошганда Далате плюс, 10%, эм.к., Энтолучо 20%, эм.к., Моспилан 20%, н.кук., Децис 2,5%, эм.к. препаратларини мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш полиз экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда алоҳида аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий-тадқиқотлар ўсимликларни ҳимоя қилишда умум қабул қилинган усуллар асосида амалга оширилганлиги, маҳаллий ва хорижий давлатлар илм-фан ютуқлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар илмий-амалий жиҳатдан мослиги, дисперсион таҳлил қилинганлиги, олинган натижалар асосида тайёрланган йиллик ва якуний ҳисоботлар ИТИ методик кенгашларида муҳокама этилиб ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, олинган илмий ҳамда амалий натижалар республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда хабар этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Республикамининг

жанубий Сурхондарё вилояти табиий иқлим шароитида полиз қўнғизининг уч марта авлод бериши ва систематикада *Coleoptera* туркумига мансублиги, морфологияси, биоэкологик хусусиятлари ўрганилиб, ривожланишининг фенологик жадвали тузилганлиги, зараркунанданинг иқтисодий зарар миқдор мезонларини аниқлаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полиз қўнғизига қарши курашда энтомопатоген нематодаларни ва биологик ҳамда кимёвий препаратларни қўллаш ёрдамида зараркунанда туфайли йўқотиладиган 17,1-30,3 центнер ҳосилни сақлаб қолиши ва аҳолини экологик тоза озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминланиши ҳамда ушбу тадбирларни фермер хўжаликларида жорий этилиб, полиз экинларидан юқори ҳосил олинганлиги, натижада иқтисодий самарадорлик ва рентабелликнинг ошганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полиз экилган майдонларда полиз қўнғизининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва унга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Полиз экинларини полиз қўнғизидан уйғунлашган усулда химоя қилиш” га доир тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 июлдаги 05/06-04/300-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда Сурхондарё вилоятида ўқув ва илмий ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда агрокластерлар ва фермер хўжаликлари учун илмий-усулбий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Сурхондарё вилояти шароитида полиз экинлари агробиоценозида полиз қўнғизининг миқдорини бошқаришда энтомопатоген нематодалар, биопрепаратлар ва самарали инсектицидларни қўллаш усули Ангор туманидаги “Ангор сабзавотчилик ва полизчилик элита уруғчилик” маъсулияти чекланган жамияти хўжалигининг 2,0 гектар майдонига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 июлдаги 05/06-04/300-сон маълумотномаси). Натижада, юқори даражада биологик ва иқтисодий самара олинди;

полиз қўнғизига қарши курашиш бўйича биологик препаратларнинг сарф меъёрлари ишлаб чиқилган Ўсимликлар карантини ва химояси ИТИ Сурхондарё минтақавий филиали тажриба даласидаги 1,0 гектар майдонга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 июлдаги 05/06-04/300-сон маълумотномаси). Натижада Сурхондарё вилоятининг Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали, Ангор ҳамда Бандихон туманларидаги полиз экинларини биологик препаратлардан Heltec, Sc (*Helicoverpa armigera* NPV 8% 1 lumpда  $5 \cdot 10^{12}$  polihera)– 0,33л/га сарф меъёрларида қўлланилганда 72,1-60,2%, Престиж 3,0 л/га сарф меъёрларида қўлланилганда 70,1-75,3%, Биослип БВ (*Beauveria bassiana* OPB-09) 3,0 л/га биологик самарадорлик 64,3-66,2%, Биослип БТ (*Bacillus thuringiensis*) препаратини 1,5 кг/га ишлатилганда эса 73,4-76,1%, энтомопатоген нематода

(*Steinernema carpocapsae* S2) 100 млн дона/га сарф меъёрларда қўлланилганда 44,0-56,8%га тенг биологик самарадорликка эришилган;

полиз қўнғизига қарши курашиш бўйича кимёвий препаратларни қўллаш муддати ва сарф меъёрлари таклиф этилиб Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 июлдаги 05/06-04/300-сон маълумотномаси). Натижада, Сурхондарё вилоятининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё минтақавий филиали, Ангор ҳамда Бандихон туманларидаги полиз экинларини кимёвий препаратлардан: Децис 2,5% эм.к. (*дельтаметрин*) (0,1-0,15-0175 л/га) қўлланилганда – 88,0-89,3-96,1%, Моспилан 20%, н.кук. (*ацетамиприд*) (0,015-02-0,025 л/га) – 90,6-91,3-97,5%, Далате плюс, 10% эм.к (*лямбдацигалотрин*) (0,05-0,06 л/га) – 80,7-92,0%, Энтолучо, 20% эм.к. (*имidakлоприд*) (0,06-0,07 л/га) – 89,1-95,0% самарадорликка эришилган;

полиз қўнғизига қарши курашиш ишлари Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги “Пахтакор чинори 777” фермер хўжалигининг 1,5 гектар, Сурхондарё вилоятида жами 4,5 гектар полиз майдонларида амалиётда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 июлдаги 05/06-04/300-сон маълумотномаси). Натижада, полиз қўнғизига қарши биологик усулда курашилганда ўртача 17,1-18,8 ц/га дан, кимёвий усулда курашилганда эса ўртача 30,3 ц/га дан қўшимча ҳосил олишга эришилган. Бунинг натижасида ҳимоя қилиш эвазига гектаридан 7 581 900 + 14 480 000 сўмга тенг иқтисодий самарадорликка эришилиб, ҳимоя қилиш учун сарфланган ҳар бир сўм 7,8-21,6 марта ўзини оқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари бўйича илмий маърузалар институт услубий ва илмий кенгашларида муҳокамадан ўтказилган. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан, илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 1 та халқаро журналда, 3 та республика илмий журналларида ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, диссертация мавзусининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, шунингдек, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Полиз кўнғизи ва унинг ўрганилганлик даражаси**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, ушбу соҳада фаолият юритаётган дунёнинг етакчи олимлари томонидан олиб борилган илмий ишларнинг натижалари ва диссертация иши бажарилган ҳудудда ўтказилган илмий ишлар натижаси чуқур таҳлил қилинган, маълумотлар юзасидан хулосалар чиқарилиб, диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг агроиклимий тавсифи, материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни ўтказиш услублари ҳамда тадқиқот ишлари олиб борилган ҳудуднинг тупроқ ва агроиклим шароитлари баён этилган.

Полиз агробиценози бўйича фенологик ва фаунистик тадқиқотларни бажаришда В.Ф. Палий (1966), Е.А. Дунаев (1997), А.Қулмаматов (2004) услубий қўлланмаларидан фойдаланилиб, зараркунандалар ва уларнинг табиий энтомофаг турлари В.Н. Шеголев (1960), Г.Я. Бей-Биенко (1965), Н.В.Бондаренко (1976), Г.И. Савойская (1983), И.Г. Киряк (1984) ва Л.М.Копанева (1987) томонидан тузилган аниқлагичлар ёрдамида аниқланди. Агротоксикологик тадқиқотларни ўтказишда К.А.Гар, (1963; 1967), Ш.Т.Хўжаев ва б. (1994, 2004, 2018, 2020) томонидан тавсия этилган услубий қўлланмалардан фойдаланилди. Олинган маълумотлар асосида W.Abbott (1925) формуласидан фойдаланиб, биологик самарадорлиги ҳисобланган.

Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш, рентабеллик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар А.Ф. Ченкин (1979), Н.Р. Гончаров ва б. (1981), Ш.Т. Хўжаев ва б. (1994, 2004, 2018, 2020) услубларидан, олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш учун эса Б.А. Доспехов (1985), Ш.Нурматов ва б. (2007) методик усулларидан фойдаланилди. Маълумотларнинг «ўртача хатолиги» ва вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг «Мониторинг ва ахборот технологиялари қўллаш бўлими»да яратилган компьютер дастури асосида аниқланди.

Тадқиқотлар ўтказилган Термиз, Ангор, Бандихон, Қумқурғон туманларининг 2021-2023 йиллар давомида ўртача ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ҳамда ёғингарчилик меъёрлари «Термиз» метеостанциядан олинган маълумотлардан фойдаланиб, таҳлил қилинди ва натижалари диссертация ишига киритилди.

Диссертациянинг «Полиз қўнғизининг биоэкологик хусусиятлари ва унинг табиий энтомофаглари» деб номланган учинчи бобининг 3.1-§. “Полиз қўнғизининг систематик ўрни ва морфологик хусусиятлари” деган бўлимида республикамизнинг жанубий ва марказий ҳудудлари Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида полиз экинлари далаларида тарқалган фитофаг кокцинеллидларнинг ягона ўсимликхўр тури йиғилиб, лаборатория шароитида морфологик хусусиятлари ўрганилган. Бунга кўра Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари ҳудудларида тарқалган 3 тур *Synegetin impunctata* L., *Epilachna chrysomilina* Fabr. ва *Henosepilachna* Li. ўсимликхўр кокцинеллидлар орасида республикамиз ҳудудларида фақат (*Epilachna chrysomelina* Fabr.) учраши аниқланган.

Учинчи бобнинг «Полиз агробиоценозида эпиляхнанинг биоэкологик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бўлимида полиз қўнғизининг битта авлод урғочи зотининг пуштдорлиги, ривожланиши ҳамда фенограммаси ишлаб чиқилган. Лаборатория шароитида қўнғизларнинг пуштдорлиги ва бир мартада қўйилган тухумларнинг миқдорини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотда қўйилган тухумлар ҳисобга олинганда 2022 йилда бир марта қўйилган тухумлар сони қовунда ўртача 35,4-30,4 дона, битта урғочи зотнинг жами қўйган тухумлар сони эса ўртача 249,2 дона, тарвузда 168,0 дона. 2023-йилда эса бу кўрсаткич бироз фарқ қилди, яъни бир марта қўйилган тухумлар сони қовунда 36,1-28,3 дона, битта урғочи зотнинг жами қўйган тухумлар сони ўртача 231,2 дона, тарвузда 155,6 донани ташкил этди (1-жадвалга қarang). Қўнғизларнинг пуштдорлигига озуқа ўсимликларнинг таъсири юқори бўлди.

## 1-жадвал

**Полиз қўнғизи битта авлод урғочи зотининг пуштдорлиги**  
(Термиз тумани ЎҚҲИТИ Сурхондарё филиали лабораторияси, 2022-2023 йй.)

Йиллар	1 та қўнғизнинг қўйган тухумлари сони, дона (кунлар бўйича)						Жами қўйилган тухумлар сони, дона	Изоҳ
	5	7	9	11	14	17		
<b>Қовун</b>								Урғочи зотлар қўнғиз шаклида 15-25 кун давомида тухум қўяди.
2022	35,4	42,2	49,2	51,8	40,2	30,4	249,2	
2023	36,1	44,4	47,6	51,2	44,0	28,3	231,2	
Ўртача	35,7	43,3	48,4	51,5	42,1	29,3	240,2	
<b>Тарвуз</b>								
2022	25,8	29,2	34,6	36,0	29,6	20,0	168,0	
2023	22,4	31,1	29,3	37,1	30,2	21,3	155,6	
Ўртача	24,1	30,1	31,9	36,5	29,9	20,6	161,8	

Баҳорда ва кузда эрталаб кечқурун салқин бўлиб, кунлик ҳаво ҳарорати 20-25°C атрофида бўлганида қўнғизлар кун ўртасида фаол озиқланади.

Полиз қўнғизи қовун барглари билан озиқланганида бошқа ўсимликлар билан озиқланган қўнғизларга нисбатдан пуштдорлиги юқори бўлади. Полиз қўнғизининг ривожланиши қовоқ ва тарвуз экинларига нисбатан қовунда юқори бўлиб, аралаш ёки ёнма ён экилганида аввало қовунда ривожланиб,

кейинчалик бошқа экинларга ўтади (2-жадвалга қаранг).

Сурхондарё вилояти шароитида тадқиқот ўтказилган йилларда полиз қўнғизи эрталаб ва кечкурун ҳаво ҳарорати 25°C-30°C бўлган ҳолатда фаол бўлиб, кун ўртасида эса, яъни ҳаво ҳарорати 35°C дан юқори кўтарилганда ҳаракати ва озикланиши сусайиб, улар барглари остига, соя жойларга, баъзан эса тупроқнинг юза қатламидаги пана жойларга кириб кетади.

2-жадвал

**Полиз қўнғизининг қовоқдошлар оиласига мансуб ўсимликларда ривожланиши (Сурхондарё вилояти, 2021-2023 йй.)**

Т/р	Ўсимликлар тури	Латинча номи	Полиз қўнғизининг ривожланиш даражаси		
			кучсиз	ўртача	кучли
1.	Қовун	<i>Cucumismelo L.</i>			+++
2.	Тарвуз	<i>Citrullus vulgare Schred</i>		++	
3.	Қовоқ	<i>Cucurbita</i>	+		

Сурхондарё шароитида полиз қўнғизи бир мавсумда уч авлод бериб ривожланади, биринчи авлод қўнғизлар апрел ойининг учинчи декадасидан бошланиб май ойининг биринчи ўн кунлигигача чўзилади, иккинчи авлоди эса июн ойининг иккинчи декадасида чиқа бошлаб, июл ойининг иккинчи ўн кунлигигача давом этади (3-жадвал).

3-жадвал

**Полиз қўнғизининг 2022 йил (апрел-октябр) мавсуми мобайнида ривожланиш фенокалендари (Сурхондарё вилояти шароитида)**

Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь		
І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ
	(+)	(+)	(+)																	
		+	+	+	+	+	+													
			•	•	•	•														
				—	—	—	—	—												
						○	○	○	○											
							+	+	+	+										
								•	•	•	•									
								—	—	—	—	—	—							
										○	○	○	○							
• - тухум												+	+	+	+	+				
— - курти													•	•	•	•				
○ - ғумбаги														—	—	—	—	—		
+ - қўнғизи																○	○			
(+) - қишлолдаги қўнғизлар																		+	+	(+)

Полиз қўнғизининг учунчи авлоди август ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб, сентябр ойининг иккинчи декадасигача ривожланади.

Учинчи бобнинг «Полиз қўнғизининг турли полиз экинларидаги зарари» деб номланган учинчи бўлимида полиз қўнғизининг Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари шароитида қовун ва тарвуз агробиоценозида

тарқалиши ва зарари ўрганилган (1-расмга қаранг).

Бунга кўра зарарланиш даражаси қовунда 42,5-54,2%, тарвузда 18,7-27,3% ни ташкил этган (4-жадвалга қаранг). Учинчи бобнинг «Полиз агробиоценозида тарқалган табиий энтомофаглар ва уларнинг аҳамияти» деб номланган тўртинчи бўлимида Сурхондарё вилояти шароитида полиз агробиоценозида учрайдиган энтомофагларнинг тур таркиби ўрганилган бўлиб, бунда 5 та туркум, 9 та оилага мансуб 27 та тури аниқланди.



1-расм. Полиз қўнғизининг қовун меваси ҳамда баргига етказадиган зарари

#### 4-жадвал

### Полиз қўнғизининг қовун ва тарвуз экинларига етказадиган зарари (Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари, июн-июл 2021-2023 йй.)

Т/р	Туманлар ва хўжаликлар	1 туп палакдаги қўнғиз ва личинкалар сони. д.х.			
<b>Сурхондарё вилояти</b>					
		Қовун “Кўкча-588”.	Зарарланиши, %	Тарвуз“Хайит қора”	Зарарланиши, %
1.	Термиз тумани	3/6	44,5	2/6	27,3
2.	Ангор тумани	4/7	52,4	2/5	26,1
3.	Бандихон тумани	2/8	54,2	2/3	24,5
<b>Қашқадарё вилояти</b>					
1.	Ғузор тумани	5/8	53,8	2/4	25,2
2.	Нишон тумани	4/6	47,7	3/7	28,5
3.	Чироқчи тумани	3/7	42,5	2/5	26,6
<b>Самарқанд вилояти</b>					
1.	Пастарғом тумани	3/4	42,5	2/5	23,8
2.	Жомбой тумани	2/3	43,8	2/2	18,7
3.	Нарпай тумани	4/5	45,7	¾	24,3

Диссертациянинг «Полиз қўнғизига қарши уйғунлашган кураш

**тизими»** деб номланган тўртинчи бобининг “Полиз қўнғизига қарши ташкилий-хўжалик, агротехник ва механик тадбирлар” деб номланган биринчи бўлимида полиз қўнғизининг кенг тарқалишининг олдини олиш учун механик, агротехник тадбирларни, яъни шудгорлаш, полиздан бўшаган майдонларни ҳамда дала атрофларини ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалаш, суғориш ва озиклантириш ишларини ўз вақтида ва меъёрида бажариш қовун барг ҳамда гулларининг зарарланишини 50-55 % га камайтириши келтирилган.

Диссертация тўртинчи бобининг «Полиз қўнғизига қарши микробиологик препаратларни ишлатишнинг аҳамияти» деб номланган иккинчи бўлимида микробиологик препаратлардан қоникарли самара олишнинг энг мақбул муддат ва сарф-меъёрлари ўрганилган (5-жадвалга қаранг).

### 5-жадвал

#### Полиз қўнғизига қарши биопрепаратларни турли сон ва муддатларда қўллашнинг биологик самарадорлиги

(Ангор тумани “Хофизбек Сирожбек” ф/х 999-моторли қўл пуркагичи-500 л/га, 2021-2023 йй.)

Т/р	Вариантлар	Дори сарфи кг, л/га	Биологик самарадорлик, %, ой ва сана бўйича							
			апрель		май					
			25	30	5	10	15	20	25	30
Биопрепарат билан 3 марта ишлов берилган										
1.	Престиж	3,0	↓	34,5	43,1↓	54,2	60,3 ↓	65,3	70,1	75,3
2.	Биослип БВ	3,0	↓	28,3	34,3↓	41,3	51,6 ↓	59,1	64,3	66,2
3.	Биослип БТ	1,5	↓	37,1	48,1↓	58,9	65,3 ↓	68,7	73,4	76,1
4.	Ципи 25% эм.к. (андоза)	0,06	↓	94,2	96,3	98,1	85,5	74,3	69,1	66,2
5.	Назорат (ишловсиз)	-	Зарарқунанда сони, дона							
			6,3	6,7	13,1	15,3	16,0	16,3	17,8	18,3
Биопрепарат билан 1 марта ишлов берилган										
1.	Престиж	3,0				↓	21,1	26,3	29,6	31,4
2.	Биослип БВ	3,0				↓	17,3	24,6	27,7	29,1
3.	Биослип БТ	1,5				↓	23,3	28,2	30,1	32,2
4.	Ципи 25% эм.к. (андоза)	0,06				↓	92,1	94,6	96,1	90,2
5.	Назорат (дорисиз)		Зарарқунанда сони, дона							
						24,5	28,2	29,9	30,3	35,1

ЭКФ<sub>05</sub>=

6,4

Эслатма: ↓ - ишлов берилган сана

Helitec, SC (0,33 л/га), Престиж (3,0 л/га), Биослип БВ (3,0 л/га), Биослип БТ (1,5 кг/га) микробиологик препаратларни полиз қўнғизига қарши мавсумда 2-3 марта қўлланилса, биологик самарадорлик 76,1% га тенг бўлган.

Тўртинчи бобнинг «Полиз қўнғизига қарши энтомопотаген нематодаларни қўллаш натижалари» деб номланган учинчи бўлимида энтомопотаген нематодалар бўйича олиб борилган тадқиқотлардан олинган дастлабки натижалар келтирилган. Лаборатория тажрибаларида *Steinernema*

*carposapsae* S2энтомопатоген нематодаларни (250 ва 500 ЮБЛ/ мл) концентрацияларда полиз қўнғизининг етук зот ва личинкаларига қарши синалганда 56,8-71,1% самара олинган.

Тўртинчи бобнинг «Полиз қўнғизига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бўлимида турли кимёвий синфларга мансуб препаратларнинг полиз қўнғизига қарши биологик самарадорлиги лаборатория ва дала шароитларидаги ўтказилган тажрибаларда ўрганилди (6-жадвалга қаранг). Амалий тажрибамизда ҳар икки синфга хос инсектицидлар ўз хусусиятларини намоён қилди. Яъни пиретроидларда самарадорлик дастлабки кунларда юқори бўлиб, кейинги кунларда пасайиб борган бўлса, неоникотиноидларда самарадорлик давомийлиги узокроқ давом этган.

### 6-жадвал

#### Полиз қўнғизига қарши кимёвий инсектицидларнинг биологик самарадорлиги

(Бандихон тумани “Пахтакор чонори 777” ф/х, 999-моторли қўл пуркагичи – 500 л/га 2021-2023 йй.)

Вариантлар	Таъсир этувчи моддаси	Сарф-меъёри кг, л/га	1 туп палакдаги қўнғиз ва личинкаларнинг ўртача сони, <i>дона</i>					Биологик самарадорлик, % кунларга:					
			Ишлов-гача	Ишловдан сўнг, кунлар бўйича					1	3	7	14	21
				1	3	7	14	21					
Далате плюс, 10% эм.к.	<i>лямда-цигалотрин</i>	0,05	17,2	6,2	5,1	3,6	4,4	6,1	63,9	71,1	80,7	77,7	73,0
Далате плюс, 10% эм.к.	<i>лямда-цигалотрин</i>	0,06	18,5	4,1	2,5	1,6	2,5	3,9	77,8	86,8	92,0	88,2	83,8
Энтолучо, 20% эм.к.	<i>имида-клопид</i>	0,06	16,1	5,0	3,1	1,9	2,9	4,2	68,9	81,2	89,1	84,3	79,9
Энтолучо, 20% эм.к.	<i>имида-клопид</i>	0,07	16,7	3,1	1,1	0,9	2,2	3,1	81,4	93,6	95,0	88,5	83,8
Ципи, 25% эм.к. (андоза)	<i>циперметрин</i>	0,06	15,2	2,4	0,5	0,3	1,6	2,8	84,1	96,8	98,1	90,8	85,8
Назорат ( <i>дорисиз</i> )	-	-	14,9	14,9	15,3	16,2	17,1	19,4	-	-	-	-	-

ЭКФ<sub>05</sub>=

4,8    5,2    3,6    3,1    2,6

Ҳар иккала препаратда синовдаги энг кичик сарф - меъёр оширилган сарф меъёрдаги вариантларга нисбатан пастроқ самара кўрсатиб, энг юқори

кўрсаткич 96,1-97,5% га тенг бўлди. Далате плюс 10% эм.к. (лямбда-цигалотрин) гектарига 0,05-0,06 литр, сарф меъёрда 80,7-92,0% биологик самарадорликни кўрсатди. Энтолучо, 20% эм.к.(имидаклоприд)гектарига 0,06-0,07 литр сарф меъёрда 89,1-95,0% биологик самарадорликни кўрсатган.

Умуман олганда лаборатория ва дала тажрибалари шуни кўрсатдики, полиз қўнғизи синовдаги лямбдацигалотрин ва имидаклоприд таркибли препаратларга сезгирлиги юқори, яъни бу дориларнинг ушбу зараркунандага нисбатан самараси юқори бўлган.

Диссертациянинг «Полиз экинларини полиз қўнғизидан ҳимоя қилишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида микробиологик ва кимёвий препаратлар билан полиз қўнғизига қарши курашишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган (7-8-жадвалларга қаранг).

Микробиологик препаратлар билан ҳимоя қилинганда 17,1-18,8 ц/га хўжалик самарадорликка эришилиб, сарфланган бир сўмнинг оқланиши 7,8-9,8 мартага тенг бўлган.

Кимёвий препаратлар билан ҳимоя қилинганда 20,9 ва 30,3 ц/га хўжалик самарадорликка эришилиб, сарфланган бир сўмнинг оқланиши 16,4 ва 21,6 сўмга тенг бўлган.

#### 7-жадвал

### Полиз қўнғизига қарши қўлланилган инсектицидларнинг хўжалик самарадорлиги

(Сурхондарё вилояти Ангор тумани ЎКХИТИ Сурхондарё минтақавий филиали тажриба даласи, 2021-2023 йй.)

Вариантлар	Дорининг сарф-меъёри, л/га	Ҳисобга олинган қовун тупи, донада	Ўртача бир тупдан олинган ҳосил		Ҳосилдорлик, ц/га	Назоратга нисбати	Ҳосилнинг сифати	
			дона	кг			Зарарланганлиги, %	нави
Престиж	3,0	10	1,6	7,2	197,3	17,1	11,2	I
Престиж	3,0							
Биослип БВ	3,0	10	1,6	7,3	199,0	18,8	11,0	I
Биослип БТ	1,5							
Ципи, 25% эм.к. (андоза)	0,06	10	1,8	8,1	200,5	30,3	8,0	I
Энтолучо, 20% эм.к	0,07	10	1,7	7,5	201,1	20,9	9,8	I
Назорат (ишлолсиз)	-	10	1,5	6,3	180,2	-	51,5	III

**Полиз экинларида полиз қўнғизига қарши микробиологик ва кимёвий  
усулда курашишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги  
(2021-2023 йй.)**

Т/р	Кўрсаткичлар	Назорат (ҳимоясиз)	Ципи, 25% эм.к. (андоза)	Престиж	Биослип БВ, Биослип БТ	Энтолучо, 20% эм.к.
1.	Ҳосилдорлик, <i>ц/га</i>	180,2	210,5	197,3	199,0	201,1
2.	Сақлабқолинган ҳосил, <i>ц/га</i>	-	30,3	17,1	18,8	20,9
3.	1 гектарга сарфланган дори миқдори, <i>кг, л/га</i>	-	1- 0,06 2- 0,06	1- 3,0 2- 3,0	1- 3,0 2- 1,5	1- 0,06 2- 0,07
4.	1 гектарга дори учун сарфланган маблағ, <i>минг сўм</i>	-	1- 18,0 2- 18,0	1- 240,0 2- 240,0	1- 240,0 2- 120,0	1- 44,0 2- 36,0
5.	Ишлов ҳақи, <i>минг сўм/га</i>	-	300,0	300,0	300,0	300,0
6.	Ҳимоя учун жами харажат, <i>минг сўм/га</i>	-	336,0	780,0	660,0	380,0
7.	Қўшимча ҳосилни йиғиб топш. ҳақи, <i>минг сўм/га</i>	-	333,3	188,1	206,8	229,9
8.	Ҳимоя тадбири ва қўшимча ҳосилни йиғиб топшириш учун кетган жами харажат, <i>минг сўм/га</i>	-	669,3	968,1	866,8	609,0
9.	Ишлаб чиқариш хара- жатлари, <i>минг сўм/га</i>	11360,0	11360,0	11 360,0	11 360,0	11360,0
10.	Умумий харажатлар, <i>минг сўм/га</i>	11360,0	12029,3	12328,1	12226,8	11969,0
11.	1 центнер қовун нархи, <i>минг сўм</i>	500,0	500,0	500,0	500,0	500,0
12.	Қўшимча ҳосилнинг нархи, <i>минг сўм</i>	-	15150,0	8550,0	9400,0	10450,0
13.	1 гектардан олинган қовун нархи, <i>минг сўм</i>	90100,0	105250,0	98650,0	99500,0	100700,0
14.	Шартли соф даромад, <i>минг сўм/га</i>	78740,0	93220,7	86321,9	87273,2	88731,0
15.	Назоратга нисбатан олинган фойда, <i>минг сўм/га</i>	-	14480,0	7581,9	8533,2	9991,0
16.	Ҳимояга сарфланган 1 сўмни оқланиши, <i>марта</i>	-	21,6	7,8	9,8	16,4
17.	Рентабелликнинг назо- ратга нисбатан ўсиши, <i>%</i>	-	2160	780	980	1640

## ХУЛОСАЛАР

1. Полиз қўнғизи республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари полиз экинлари далаларида тарқалган бўлиб, бир йилда учта авлод бериб ривожланиши аниқланди.

2. Полиз қўнғизи етук зот шаклида полиз далаларининг четларида кўп йиллик бегона ўт тупларида, дала атрофидаги тут дарахтлари ва плантацияларида, тупроқнинг юза қатламида ўсимлик қолдиқлари тагида куёш нури яхши тушадиган жойларда тўп-тўп бўлиб қишлаб чиқади.

3. Сурхондарё вилояти шароитида қўнғизларнинг қишлаш жойидан чиқиб, полиз далаларида пайдо бўлиши узоқ давом этиб, 15-20 кунгача чўзилади. Дастлабки қўнғизларнинг қишлождан чиқиши апрел ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келади.

4. Полиз қўнғизи урғочиларининг пуштдорлиги 150 тадан 300 тагачани ташкил этади. Қўнғизларнинг пуштдорлиги озуқа ўсимликларига боғлиқ бўлиб, айниқса қовун барги ва мевалари билан озикланганда юқори бўлади.

5. Полиз қўнғизи ва личинкалари полиз экинларининг поя, барг, гул ва мевасини жиддий зарарлаб, хатто қовун меваларини тешиб кириб чуқурчалар ҳосил қилади. Қарши курашилмаган далаларда 42,5-53,8%, баъзи йиллари хатто 70-80% гача зарар етказади.

6. Сурхондарё вилояти полиз агробиоценозида сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар билан озикланадиган энтомофагларнинг 5 та туркум, 9 та оиласига мансуб 27 тури аниқланди. Улар орасида кенг тарқалган табиий кушандалардан 7 нуктали хонқизи (*Coccinella septempunctata* L.), ўзгарувчан хонқизи (*Adonia variegata* Goeze.), оддий олтинкўз (*Chrysopa carnea* Steph.), бракон (*Bracon (Habrobracon) hebetor* Say.), афидимиза пашшаси (*Aphidoletes aphidimyza* Rondani) каби энтомофаглар зараркунандалар билан озикланиб, улар сонининг камайиши қайд этилди.

7. Полиз қўнғизига қарши *Steinernema carpocapsae* S2 энтомопатоген нематодасини (100 млн, дона/га) Helitec, SC (0,33 л/га), Престиж (3,0 л/га), Биослип БВ (3,0 л/га), Биослип БТ (1,5 кг/га) микробиологик препаратларини мавсумда 2-3 марта қўлланилса, 65,0-75,0% биологик самарадорликка эришиш мумкинлиги аниқланди.

8. Полиз қўнғизининг пиретроидлар ва неоникотиноидларга хос инсектицидларга нисбатан сезгирлиги юқори бўлиб, децис 2,5% эм.к.- 0,15-0,175 л/га, далате плюс, 10% эм.к. - 0,05-0,06 л/га, моспилан 20% н.кук.- 0,02-0,025 кг/га, энтолучо, 20% эм.к.- 0,06-0,07 л/га сарф меъёрларда қарши курашилганда қоникарли юқори самарага эришилиши кузатилди.

9. Полиз қўнғизига қарши микробиологик препаратлар билан курашилганда 17,1-18,8 ц/га, кимёвий препаратлар билан ҳимоя қилинса гектаридан 20,9-30,3 центнергача ҳосил сақлаб қолиниб, ҳар гетардан 7581,9-8533,2 минг сўмдан 9991,0-14480,0 минг сўмгача иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

10. Полиз қўнғизи тарқалишининг олдини олиш учун механик,

агротехник тадбирларни, яъни шудгорлаш, полиздан бўшаган майдонларни ҳамда дала атрофларини ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалаш, суғориш ва озиклантириш ишларини ўз вақтида ва меъёрида бажарилиши талаб этилади.

11. Полиз экинларидан юқори ва сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш учун:

полиз қўнғизининг зарарлаш миқдорини иқтисодий зарарсиз даражада бошқаришда энтомопатоген нематода (*Steinernema carpocapsae* S2) 100 млн, дона/га, Helitec, SC (*Helicoverpa armigera* NPV 8% 1 lumpда  $5 \cdot 10^{12}$  polihera) 0,33 л/га, ҳамда бошқа микробиологик препаратлардан: Престиж –3,0 л/га, Биослип БВ (*Beauveria bassiana* OPB-09)– 3,0 л/га, Биослип БТ (*Bacillus thuringiensis*) – 1,5 кг/га қўнғизлар қишловдан чиқиб полиз майдонларига тарқала бошлаган вақтдан мавсум давомида 2-3 марта қўллаш;

полиз қўнғизининг пиретроидларга хос дельтаметрин, лямбдацигалотрин таркибли, неоникотиноидларга хос ацетамиприд ва имидаклоприд таркибли инсектицидларга нисбатан сезгирлиги юқори бўлиб, кимёвий усулда ушбу препаратлар билан ишлов бериш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12. 2019.Qx.42.01. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**  

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ КАРАНТИНА И  
ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ**

**АЛЛАНАЗАРОВ ОЛИМЖОН ЯКШИБОВЕВИЧ**

**ИЗУЧЕНИЕ БИОЭКОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ БАХЧЕВОЙ  
КОРОВКИ (*EPILACHNA CHRYSOMELINA* FABR.) И  
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР БОРЬБЫ С НЕЙ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В.2022.4.PhD/Qx1029.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте карантина и защиты растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Хаитмуратов Арслонбек Файзуллаевич**  
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Ходжаев Шамиль Турсунович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

**Юсупов Рысназар Оразбаевич**  
доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам, доцент.

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт овощных, бахчевых культур и картофелеводства**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_\_ часов на заседании разового Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01. при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника ул. УзПИТИ, НИИССАВХ тел.:(+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирован за №\_\_\_\_\_; Адрес; 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ тел.:(+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года (реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года).

**Ш.Н.Нурматов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В процессе роста населения мира из года в год повышается спрос на продукты питания, в частности на овощи – бахчевые. В мире 85% общего объема производимого бахчевых продуктов приходится 14 странам, как Китай, Турция, Иран, Индия, Казахстан, США, Египет, Испания, Гватемала, Италия, Мексика, Бразилия и Марокко. По данным ФАО к 2050 году мировое население, приблизительно составит около 9,5 миллиардов, при этом отмечается повышение «дефицита производства безопасных потребительских продуктов»<sup>1</sup>. При этом выявлено особое место при росте экономики в направлении бахчеводство, по производству безопасных продовольственных продуктов. В связи с этим изыскание оптимальных технологий отрицательно не влияющих на окружающую среду является актуальной проблемой на сегодняшний день.

В мире встречаются несколько видов сосущих и грызущих вредителей повреждающих бахчевые культуры, среди них особое значение имеет из грызущих бахчевая коровка (*Epilachna chrysomelina* Fabr.) питающийся стеблями, листьями и плодами растений, при этом изучаются биологические особенности, их распространение и вредоносность. В ведущих научно-исследовательских институтах мира проводят исследования по применению экологически безопасных микробиологических препаратов и нематод против этих вредителей.

Для удовлетворения потребностей населения Узбекистана в продовольственных продуктах, а также для дальнейшего развития экспорта бахчевых продуктов, защита бахчевых культур от разных вредных организмов имеет особое значение. Одной из актуальных задач сегодняшнего дня является разработка и совершенствование эффективных мер борьбы против бахчевой коровки, дынной мухи, растительноядных тлей, паутинного клеща и других вредителей, оказывающих большой вред на количество и качество урожая выращиваемых бахчевых культур. В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года за №УП-5853 «О стратегии действий развитие сельского хозяйства Республики Узбекистан на период 2020-2030 годы»<sup>2</sup> отмечена необходимость эффективного использования биопрепаратов в целях исключения остатков разных химических пестицидов и получения экологически чистых сельскохозяйственных продуктов на уровне требований мирового стандарта. За счет бахчевой коровки теряется 42,5-53,8 процентов, а на некоторых участках 70 процентов урожая дыни, арбуза, огурца, хандалака и других бахчевых культур. В связи с этим важное практическое значение имеет защита этих растений от вредителей, а также повышение эффективности проводимых мероприятий.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в указе Президента Республики Узбекистан

---

<sup>1</sup> По данным организации (FAO) “2020-global-report-food-crises”.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4567334>

от 28 января 2022 года за № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана предусмотренной на период 2022-2026 годы», а также других задач упомянутых в нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по изучению биологических особенностей, вредоносности и борьбы против бахчевой коровки являющейся одним из основных вредителей бахчевых культур проводили за рубежом A.Sh.Abdel-Moniem, F.N. Zaki, Al. Iraqi, M.A. Ali, El-Khidir, H. Giray, H. Katakura, M.Klemm, V.Melamed, O‘.Sag‘lam, N.Uygun, F.R.Hassan, L.H.Assaf, E. Bayhan, S.S. Awadalla, G.S. Mohamed, а также в странах СНГ Г.И.Савойская, М.А.Атаева, В.Н.Виноградова, Н.А.Глушенков.

